

1 – маъруза Ўзбекистон Республикасида саноат хавфсизлигининг қонуний асослари

Режа:

1.Саноат хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

2. Хавфли ишлаб чиқариш объектлари

3. Хавфли ишлаб чиқариш объектини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишга қабул қилиб олишга оид саноат хавфсизлиги талаблар

4. Хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланишга оид саноат хавфсизлиги талаблари

Саноат хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг 28.09.2006 йилда қабул қилинган “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг саноат хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари кўлланилади.

Саноат хавфсизлиги талаблари қонун ҳужжатларида, шунингдек норматив техник ҳужжатларда назарда тутилган шартлар, тақиқлар, чеклашлар ва бошқа мажбурий талаблар бўлиб, уларга риоя этилиши саноат хавфсизлигини таъминлайди.

2.Хавфли ишлаб чиқариш объектлари

Хавфли ишлаб чиқариш объектлари жумласига:

1) куйидаги хавфли моддалар:

портлаш-ёнғин хавфи бўлган муҳитни юзага келтириши мумкин бўлган моддалар; тасдиқланган стандартларга мувофиқ тирик организмга таъсир қилиш даражасига кўра I, II ва III хавфлилик даражаларига (ўта хавфли, юқори даражада хавфли ва ўртacha даражада хавфли) мансуб заарли моддалар; муайян турдаги ташқи таъсир чоғида иссиқлик ажратган ва газлар ҳосил қилган ҳолда ўз-ўзидан жуда тез тарқаладиган кимёвий ўзгарувчан портловчи моддалар;

инсон соғлиғи ва атроф муҳит учун хавфли концентрацияли моддалар мавжуд бўлган ишлаб чиқариш чиқиндилари фойдаланиладиган, ишлаб чиқариладиган, қайта ишланадиган, ҳосил қилинадиган, сакланадиган, ташиладиган, йўқ қилинадиган;

2) 0,07 мегапаскалдан ортиқ босим остида ёки ишлатиладиган суюқликнинг нормал атмосфера босимидағи қайнаш ҳароратидан ортиқ ҳароратда ишлайдиган ускуналардан фойдаланиладиган;

3) кўчмас асосга ўрнатилган юқ кўтариш механизмлари, эскалаторлар, осма йўллар, фуникулёрлардан (тоғ темир йўлларидан) фойдаланиладиган;

4) қора ва рангли металлар эритмалари ҳамда ушбу эритмалар асосида қотишмалар олинадиган;

5) кончилик ишлари, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва бойитиш ишлари, шунингдек ер ости шароитида иш олиб бориладиган корхоналар ёки

уларнинг цехлари, участкалари, майдончалари, шунингдек бошқа ишлаб чиқариш объектлари киради.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларини ҳисобга олиш ва идентификациялаш Хавфли ишлаб чиқариш объектлари саноат хавфсизлиги соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи (бундан буён матнда маҳсус ваколатли давлат органи деб юритилади) томонидан хавфли ишлаб чиқариш объектларининг давлат реестрида албатта ҳисобга олинади.

3. Хавфли ишлаб чиқариш обьектини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишга қабул қилиб олишга оид саноат хавфсизлиги талаблари

Хавфли ишлаб чиқариш обьектини қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, консервациялаш ва тугатишни амалга ошириш учун лойиҳа ҳужжатлари саноат хавфсизлиги экспертизасининг ижобий хуносаси бўлиши зарур.

Хавфли ишлаб чиқариш обьектини қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, консервациялаш ва тугатиш жараёнида лойиҳа ҳужжатларидан четга чиқишиларга йўл қўйилмайди. Хавфли ишлаб чиқариш обьектини қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, консервациялаш ва тугатишга доир лойиҳа ҳужжатларини ўзгартириш саноат хавфсизлиги экспертизасидан ўтказилиши керак.

Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқсан ташкилотлар хавфли ишлаб чиқариш обьектини қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, консервациялаш ва тугатиш жараёнида белгиланган тартибда муаллифлик назоратини амалга оширади.

Хавфли ишлаб чиқариш обьектини фойдаланишга қабул қилиб олиш белгиланган тартибда ўтказилади. Хавфли ишлаб чиқариш обьектини фойдаланишга қабул қилиб олиш жараёнида хавфли ишлаб чиқариш обьектининг лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлиги, ташкилотнинг хавфли ишлаб чиқариш обьектидан фойдаланишга ҳамда хавфли ишлаб чиқариш обьектида авариянинг кенгайиб кетишига йўл қўймаслик ва унинг оқибатларини тугатиш бўйича ҳаракатларга тайёрлиги текширилади.

4. Хавфли ишлаб чиқариш обьектидан фойдаланишга оид саноат хавфсизлиги талаблари

Хавфли ишлаб чиқариш обьектидан фойдаланувчи ташкилот:

саноат хавфсизлиги соҳасидаги қонун ҳужжатларидан, шунингдек норматив техник ҳужжатларда кўрсатилган талабларга риоя этиши;

хавфли ишлаб чиқариш обьекти ходимлари штатининг белгиланган талабларга мувофиқтўлдирилишини таъминлаши;

хавфли ишлаб чиқариш обьектидаги ишга оид малака талабларига жавоб берадиган ва кўрсатилган ишга тиббий жиҳатдан лойик шахсларни қўйиши;

хавфли ишлаб чиқариш обьектлари ходимларининг тайёргарликдан ва аттестациядан ўтказилишини таъминлаши;

ишлаб чиқариш жараёни устидан назорат қилувчи зарур асбоблар ва тизимларнинг белгиланган талабларга мувофиқ мавжуд бўлиши ҳамда ишлашини таъминлаши;

саноат хавфсизлиги экспертизаси ўтказилиши, шунингдек хавфли ишлаб чиқариш обьектида қўлланиладиган иншоотлар ва техника қурилмалари диагностикаси, синовлари, текшируви ўтказилишини белгиланган муддатларда ва маҳсус ваколатли давлат органи ёки қонун хужжатларига мувофиқ саноат хавфсизлиги соҳасида айрим ваколатларга эга бўлган бошқа давлат органларининг белгиланган тартибда тақдим этиладиган ёзма кўрсатмасига биноан таъминлаши;

бегона шахсларнинг хавфли ишлаб чиқариш обьектига рухсатсиз киришининг олдини олиши;

хавфли моддаларни сақлашга оид саноат хавфсизлиги талабларининг бажарилишини таъминлаши;

саноат хавфсизлиги декларациясини белгиланган тартибда ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши;

маҳсус ваколатли давлат органи ва қонун хужжатларига мувофиқ саноат хавфсизлиги соҳасида айрим ваколатларга эга бўлган бошқа давлат органларининг буйруқлари, қарорлари ва ёзма кўрсатмаларини бажариши;

авария ёки нохуш ҳодиса юз берган, шунингдек саноат хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатадиган бошқа ҳолатлар аниқланган тақдирда, хавфли ишлаб чиқариш обьектидан фойдаланишни тўхтатиб туриши;

хавфли ишлаб чиқариш обьектидаги авария сабабларини техник жиҳатдан текширишда иштирок этиши, аварияга олиб келган сабабларни бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш чораларини кўриши;

хавфли ишлаб чиқариш обьектида нохуш ҳодисанинг юзага келганлиги сабабларини таҳлил қилиши, мазкур сабабларнинг бартараф этилиши ва олдини олиш чораларини кўриши;

маҳсус ваколатли давлат органини, қонун хужжатларига мувофиқсаноат хавфсизлиги соҳасида айрим ваколатларга эга бўлган бошқа давлат органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ахолини хавфли ишлаб чиқариш обьектидаги авария тўғрисида ўз вақтида белгиланган тартибда хабардор қилиши;

авария юз берган тақдирда, хавфли ишлаб чиқариш обьектлари ходимларининг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш чораларини кўриши;

хавфли ишлаб чиқариш обьектидаги авариялар ва нохуш ҳодисалар ҳисобини олиб бориши шарт.

2 - 3 – маъруза Хавфли саноат объектларини идентификациялаш

Режа:

1.Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш тартиби тўғрисида низом

2. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялашда фойдаланиладиган терминлар ва таърифлар:

3.Объектларни хавфли ишлаб чиқариш объектлари категорияси ва типларига киритишнинг асосий мезонлари

4. Идентификациялашнинг асосий принциплари

5.Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш тартиби

6.Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш варақаси

7. Хавфли моддалар сонининг чекланган меъёрлари

1. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш тартиби, принциплари ва шартларини белгилайди.

2. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш хавфли ишлаб чиқариш объектларини Хавфли ишлаб чиқариш объектлари давлат реестрида ҳисобга олиш, шунингдек хавфли ишлаб чиқариш объектларида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланаётган ташкилотларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш мақсадида амалга оширилади.

3. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш саноат хавфсизлиги экспертизаси доирасида хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланаётган ташкилот ёки эксперт ташкилоти томонидан амалга оширилади.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланаётган ташкилотларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш мақсадида хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш факат эксперт ташкилоти томонидан амалга оширилиши мумкин.

4. Идентификациялаш объектларни Хавфли ишлаб чиқариш объектлари давлат реестрида ҳисобга олиш учун асос ҳисобланади.

5. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш тўғрилиги учун жавобгарлик идентификациялашни амалга оширадиган ташкилотга юкланди.

2. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялашда фойдаланиладиган терминлар ва таърифлар:

Авария — иншоотлар ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш объектларида қўлланиладиган техника қурилмаларининг бузилиши, назорат қилиб бўлмайдиган портлаш ва (ёки) хавфли моддалар ажралиб чиқиши.

Буюртмачи — экспертиза ўтказиш учун буюртма билан мурожаат қилган ташкилот.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш — хавфли ишлаб чиқариш объектларини хавфли ишлаб чиқариш объектлари сифатида эътироф этиш мақсадида хавфли ишлаб чиқариш объектлари белгилари жамини аниқлаш (белгилаш) ва кейинчалик Хавфли ишлаб чиқариш объектлари давлат реестрида ҳисобга олиш, шунингдек бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланаётган ташкилотларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш тартиб-қоидаси.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг идентификация варақаси — хавфли ишлаб чиқариш объектлари, шунингдек улардан фойдаланаётган ташкилотларнинг белгилари, типи ва реквизитлари жамини акс эттирадиган хужжат.

Хавфли ишлаб чиқариш объектлари типи — хавфли ишлаб чиқариш объектларида хавфли моддалар категорияси мавжудлиги асосида ушбу хавфли ишлаб чиқариш объектининг хавфлилиги даражасини белгилайдиган хавфли ишлаб чиқариш обьекти тавсифи.

Объектнинг хавфлилиги белгилари — «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунийнинг 4-моддаси [1—5-бандлариға](#) мувофиқ обьектда хавфли моддалар (мавжудлигича), хавф юқори бўлган техника қурилмаларидан фойдаланилишига ва ишлар олиб борилишига эътиборни қаратиш.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги — хавфли ишлаб чиқариш объектларида шахс ва жамиятнинг авариялар ва нохуш ҳодисалардан ва уларнинг оқибатларидан ҳаётий муҳим манфаатлари ҳимояланганлиги ҳолати.

Саноат хавфсизлиги экспертизаси — экспертиза обьектининг унга қўйиладиган саноат хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини баҳолаш.

Эксперт ташкилоти — белгиланган тартибда аккредитация қилинган, саноат хавфсизлиги экспертизасини амалга оширадиган ташкилот.

3.Объектларни хавфли ишлаб чиқариш обьектлари категорияси ва типларига киритишнинг асосий мезонлари

6. «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси [Конунига](#) мувофиқ хавфли ишлаб чиқариш обьектлари жумласига қўйидаги хавфли моддалар:

1) портлаш-ёнғин хавфи бўлган муҳитни юзага келтириши мумкин бўлган моддалар:

тасдиқланган стандартларга мувофиқ тирик организмга таъсир қилиш даражасига кўра I, II ва III хавфлилиларига (ўта хавфли, юқори даражада хавфли ва ўртача даражада хавфли) мансуб заарарли моддалар;

муайян турдаги ташқи таъсир чоғида иссиқлик ажратган ва газлар ҳосил қилган ҳолда ўз-ўзидан жуда тез тарқаладиган кимёвий ўзгарувчан портловчи моддалар; инсон соғлиғи ва атроф муҳит учун хавфли концентрацияли моддалар мавжуд бўлган ишлаб чиқариш чиқиндилари фойдаланиладиган, ишлаб чиқариладиган, қайта ишланадиган, ҳосил қилинадиган, сақланадиган, ташиладиган, йўқ қилинадиган;

- 2) 0,07 мегапаскалдан ортиқ босим остида ёки ишлатиладиган суюқликнинг нормал атмосфера босимидағи қайнаш ҳароратидан ортиқ ҳароратда ишлайдиган усқуналардан фойдаланиладиган;
- 3) күчмас асосга ўрнатилган юк күтариш механизмлари, эскалаторлар, осма йўллар, фуникулёрлардан (тоғ темир йўлларидан) фойдаланиладиган;
- 4) қора ва рангли металлар эритмалари ҳамда ушбу эритмалар асосида қотишмалар олинадиган;
- 5) кончилик ишлари, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва бойитиш ишлари, шунингдек ер ости шароитида иш олиб бориладиган корхоналар ёки уларнинг цехлари, участкалари, майдончалари, шунингдек бошқа ишлаб чиқариш объектлари киради.

7. Объектни хавфли ишлаб чиқариш объектлари категориясига киритиш объектнинг хавфлилиги белгиларини аниқлаш асосида уни идентификациялаш жараёнида амалга оширилади.

Объектни Низомнинг 6-банди [2](#) ва [3-кичик бандларида](#) назарда тутилган белгилар бўйича хавфли ишлаб чиқариш объектлари категориясига киритиша хавфсизликнинг тегишли қоидаларига мувофиқ ҳам «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясида рўйхатдан ўtkазиладиган, ҳам рўйхатдан ўtkазилмайдиган техника қурилмалари ва иншоотлар ҳисобга олинади.

8. Хавфлилилк даражаси бўйича хавфли ишлаб чиқариш объектлари қуйидаги типларга бўлинади:

биринчи типдаги хавфли ишлаб чиқариш объектлари — ушбу Низомга 2-илованинг [1](#) ва [2-жадвалларида](#) кўрсатилган микдорда, уларнинг чекланган меъёрига teng бўлган ёки ундан ортиқ бўлган хавфли моддалар фойдаланиладиган, ишлаб чиқариладиган, қайта ишланадиган, ҳосил қилинадиган, сақланадиган, ташиладиган, йўқ қилинадиган юқори хавфлилилк даражасидаги объектлар;

иккинчи типдаги хавфли ишлаб чиқариш объектлари — биринчи типга тегишли бўлмаган, ушбу Низомга 2-илованинг [1](#) ва [2-жадвалларида](#) кўрсатилган микдорда, уларнинг чекланган меъёридан кам бўлган хавфли моддалар фойдаланиладиган, ишлаб чиқариладиган, қайта ишланадиган, ҳосил қилинадиган, сақланадиган, ташиладиган, йўқ қилинадиган объектлар;

учинчи типдаги хавфли ишлаб чиқариш объектлари — объектларнинг [биринчи](#) ва [иккинчи типларига](#) тегишли бўлмаган, ушбу Низомнинг 6-банди [2—5-кичик бандларида](#) кўрсатилган хавфлилилк белгиларига эга бўлган объектлар.

Хавфли ишлаб чиқариш объектлари типи хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялашда аниқланади.

9. Биринчи ва иккинчи типдаги хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш қуйидаги қоидалар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширади:

2-илованинг [1-жадвалида](#) кўрсатилмаган хавфли моддалар учун 2-илованинг [2-жадвали](#) моддалари қўлланилади;

агар хавфли ишлаб чиқариш объектлари ўргасидаги масофа 500 метрдан камни ташкил этса, хавфли модданинг жами микдори ҳисобга олинади;

агар айни бир категориядаги хавфли моддаларнинг бир нечта турлари қўлланилса, уларнинг жами бошлангич (чекланган) микдори:

$$\sum_{i=1}^n m(i) / M(i) > 1$$

шарти билан аниқланади, бунда:

$m(i)$ — күлланиладиган модда мөкдори;

$M(i)$ — барча 1 дан n гача і учун 2-илованинг [1](#) ва [2-жадваллариға](#) мувофиқ айни бир модданинг бошланғич (чекланган мөкдори).

4. Идентификациялашнинг асосий принциплари

10. Қуидагилар хавфли ишлаб чиқариш объектларининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирадиган асосий принциплар ҳисобланади:

зоналаштириш принципи;

хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш тўлиқлиги ва ишончлилиги принципи;

мустақиллик принципи;

камроқ хавфли типнинг хавфлироқ тип билан ютилиши принципи.

11. Зоналаштириш принципи тегишли технологик жараёнлар амалга оширилаётган ишлаб чиқариш майдончалари (ёки) ишлаб чиқариш биноларининг бирлаштирувчи мезони сифатида ажратиб кўрсатиш йўли билан хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланаётган ташкилотлар таркибида барча хавфли ишлаб чиқариш объектларини аниқлашни англатади.

Қоидага кўра, хавфли ишлаб чиқариш обьекти сифатида битта ишлаб чиқариш майдончасида жойлашган корхонани ажратиб кўрсатиш тавсия қилинади. Агар корхона бир-биридан 500 метрдан ортиқ масофада жойлашган бир нечта ишлаб чиқариш майдончаларида жойлашган тақдирда, майдончаларнинг ҳар бири алоҳида хавфли ишлаб чиқариш обьекти сифатида қаралади.

12. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялашнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги принципи хавфли ишлаб чиқариш обьектларидан фойдаланаётган ташкилот таркибида ҳар бир хавфли ишлаб чиқариш обьектининг хавфи ва типнинг барча белгилари аниқланишини ва саноат хавфсизлиги экспертизаси хулосасида акс эттирилишини англатади.

13. Мустақиллик принципи хавфли ишлаб чиқариш обьектининг бир типи учун характерли бўлган хавфлиликнинг бир неча белгиларига эга бўлган обьект учун энг кам суғурта суммаси мөкдори кўрсатиб ўтилган белгилар сонига боғлиқ бўлмаслигини англатади.

14. Камроқ хавфли типнинг хавфлироқ тип билан ютилиши принципи агар обьект турли типларга мансуб бўлган хавфлиликнинг бир неча белгиларга эга бўлса, у ҳолда энг хавфли типга мансублигини англатади.

5.Хавфли ишлаб чиқариш обьектларини идентификациялаш тартиби

15. Идентификация варакаси ҳар бир хавфли ишлаб чиқариш обьекти учун ушбу Низомга [1-иловада](#) келтирилган шакл бўйича тўлдирилади.

16. Саноат хавфсизлиги экспертизаси доирасида хавфли ишлаб чиқариш обьектини индентификациялаш буюртмачи билан эксперт ташкилоти ўртасида тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

17. Идентификациялашни ўтказиш муддатлари, қоидага кўра, экспертиза обьектининг мураккаблиги билан белгиланади, бироқ экспертиза бошланган пайтдан бошлаб 3 ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

18. Саноат хавфсизлиги экспертизаси доирасида идентификациялаш натижалари хавфли ишлаб чиқариш объектининг идентификация варагаси шаклида расмийлаштирилади ва ушбу варага саноат хавфсизлиги экспертизаси хулосасига илова қилинади.

19. Саноат хавфсизлиги экспертизасини ўтказиш тартиби ва экспертиза хулосасини расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан белгиланади.

20. Саноат хавфсизлиги экспертизасининг қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда тайёрланган хулосаси белгиланган тартибда «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан ҳақиқий эмас деб эътироф этилади.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш тартиби тўғрисидаги [Низомга](#)

1-ИЛОВА

6. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш варагаси

1. Хавфли ишлаб чиқариш объекти

1.1. Объектнинг тўлиқ номи

1.2. Объект жойлашган жой (манзили)

2. Объектнинг хавфлилиги белгилари

2.1. «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунигининг 4-моддаси [1-бандида](#) кўрсатилган 1 хавфли моддалардан фойдаланиш, уларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, ҳосил қилиш, сақлаш, ташиш, йўқ қилиш

2.2 0,07 мегапаскалдан ортиқ босим остида ёки ишлатиладиган суюқликнинг нормал атмосфера босимидағи қайнаш ҳароратидан ортиқ ҳароратда 2 ишлайдиган ускуналардан фойдаланиш

2.3. Кўчмас асосга ўрнатилган юқ кўтариш механизмлари, эскалаторлар, осма 3 йўллар, фуникулёрлардан (тоғ темир йўлларидан) фойдаланиш

2.4. Қора ва рангли металлар эритмалари ҳамда ушбу эритмалар асосида 4 қотишмалар олиш

2.5. Кончилик ишлари, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва бойитиш ишлари, 5 шунингдек ер ости шароитида иш олиб бориш

3. Объект типи

3.1. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш тартиби тўғрисидаги низомга 2-иловасидаги [1](#) ва [2-жадвалларда](#) кўрсатилган 1 белгиланган чекланган меъёрларга teng ёки ундан ортиқ миқдордаги хавфли моддалар мавжуд бўлган объектлар

3.2. 3.1-кичик бандда кўрсатилган объектларга тегишли бўлмаган, хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш тартиби тўғрисидаги Низомга 2-иловадаги [1](#) ва [2-жадвалларда](#) кўрсатилган белгиланган чекланган меъёрдан кам миқдордаги хавфли моддалар мавжуд бўлган объектлар 2

3.3. Ушбу вараганинг 3.1 ва 3.2-кичик бандларида кўрсатилган объектларга тегишли бўлмаган, 2.1—2.5-кичик бандларда кўрсатилган хавфлилик 3 белгиларига эга бўлган объектлар

4. Фойдаланадиган ташкилот (таъсис ҳужжатларига мувофиқ)

- 4.1. Ташкилотнинг тўлиқ номи
- 4.2. Ташкилотнинг почта манзили
- 4.3. Телефон, факс
- 4.4. Идоравий мансублик

Изоҳ: 1.1, 1.2, 4.1 — 4.4-кичик бандларда бўш ўнг ҳошия тўлдирилади, 2.1 — 2.5 ва 3.1 — 3.3-кичик бандларнинг ўнг ҳошиясида хавфлиликнинг зарур белгилари кодлари ва объект типи қайд этилади.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш тартиби тўғрисидаги [Низомга](#)

2-ИЛОВА

7. Хавфли моддалар сонининг чекланган меъёрлари

1-жадвал

| Хавфли модданинг номи | Чекланган меъёр, тонна |
|---|-------------------------------|
| Аммиак | 500 |
| Аммоний нитрат (таркибидаги аммоний нитратдан ҳосил бўлган азот массанинг 28 фоизидан ортиғини ташкил этадиган аммоний нитрат ва аммоний аралашмаси, шунингдек аммоний нитрат концентрацияси массанинг 90 фоизидан ортиқ бўлган аммоний нитратнинг сувли эритмалари) | 2500 |
| Ўғит шаклидаги аммоний нитрат (аммоний нитрат асосидаги оддий ўғитлар, шунингдек таркибидаги аммоний нитратдан ҳосил бўлган азот массанинг 28 фоизидан ортиғини ташкил этадиган мураккаб ўғитлар (мураккаб ўғитлар таркибида аммоний нитрат фосфат ва (ёки) калий билан биргаликда мавжуд бўлади) | 10 000 |
| Акрилонитрил | 200 |
| Хлор | 25 |
| Этилен оксиди | 50 |
| Цианли водород | 20 |
| Фторли водород | 50 |
| Олтингугуртли водород | 50 |
| Олтингугурт диоксиди | 250 |
| Олтингугурт триоксиди | 75 |
| Қўроғшин алкли | 50 |
| Фосген | 0,75 |
| Метилизоцианат | 0,15 |

2-жадвал

| Хавфли моддалар турлари | Чекланган меъёр, тонна |
|--|-------------------------------|
| Алангаланадиган газлар | 200 |
| Товар-хом ашё омборлари ва базалардаги ёнадиган суюқликлар | 50 000 |
| Технологик жараёнда фойдаланиладиган ёки магистрал қувурлар билан узатиладиган ёнадиган суюқликлар | 200 |
| Захарли моддалар | 200 |
| Юқори захарли моддалар | 20 |
| Оксидланадиган моддалар | 200 |
| Портловчи моддалар | 50 |
| Атроф табиий мухит учун хавф тутдирадиган моддалар | 200 |

4 – маъруза Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10. 12. 2008 йилдаги 271-сонли қарори асосида “Ҳисоб-китоб тушунтириш хатини тузиш Режа:

- 1. «Ҳисоб-китоб-тушунтириш хати» таркиби**
- 2. 1-бўлим «Ташкилот тўғрисидаги маълумотлар» таркиби**
- 3. 2-бўлим «Хавфсизлик таҳлили» таркиби**
- 4. 3-бўлим «Хулосалар ва таклифлар» таркиби**
- 5. 4-бўлим «Вазиятлар режалари» таркиби**
- 6. «Фойдаланилган манбалар рўйхати» таркиби**

«Ҳисоб-китоб-тушунтириш хати» қуидаги таркибда бўлади:

тидул варак;
бажарувчилар рўйхати;
Мундарижа;

1-бўлим «Ташкилот тўғрисидаги маълумотлар»;
2-бўлим «Хавфсизлик таҳлили»;
3-бўлим «Хулосалар ва таклифлар»;
4-бўлим «Вазиятлар режалари»;
«Фойдаланилган манбалар рўйхати».

Титул варак декларациянинг биринчи саҳифаси ҳисобланади ва ҳужжатни ишлаб чиқиши ва қидириш учун зарур бўлган ахборотларнинг манбаи бўлиб хизмат қиласди.

Титул варакда қуидаги маълумотлар кўрсатилади:

- а) ҳисоб-китоб-тушунтириш хатини ишлаб чиқсан ташкилотнинг раҳбари томонидан ҳисоб-китоб-тушунтириш хатини тасдиқлаш грифи;
- б) «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан бериладиган рўйхатдан ўtkазиш тартиб рақами (у декларацияга берилган рўйхатдан ўtkазиш тартиб рақамига мувофиқ бўлиши керак);
- в) декларацияга ҳисоб-китоб-тушунтириш хатининг номи, унда декларацияланаётган (битта обьект декларацияланган тақдирда) ёки декларация қилинаётган обьектларнинг (бир нечта обьект декларацияланган тақдирда) аниқ номи кўрсатилади, шунингдек таркибига ушбу обьект кирадиган ташкилотнинг номи;
- г) декларацияланаётган обьектнинг хавфли ишлаб чиқариш обьектлари давлат реестридаги рўйхатдан ўtkазиш тартиб рақами;
- д) дафтарнинг тартиб рақами (ҳисоб-китоб-тушунтириш хати иккита ва ундан кўп дафтардан иборат бўлган тақдирда);
- е) ҳисоб-китоб-тушунтириш хатини ишлаб чиқсан ташкилотнинг жойлашган жойи ва унинг тасдиқланган йили.

Ҳисоб-китоб-тушунтириш хати иккита ёки ундан кўп бўлган тақдирда ҳар қайси дафтар биринчи дафтарнинг саҳифасига ва мавжуд маълумотларга мувофиқ бўлган ушбу дафтарга тегишли титул варакка эга бўлиши керак.

Бажарувчиларнинг рўйхати.

Бажарувчиларнинг рўйхатида масъул бажарувчиларнинг ва ҳисоб-китоб-тушунтириш хатини ишлаб чиқишида қатнашган биргаликдаги бажарувчиларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, лавозими ва иш жойи кўрсатилган бўлиши керак.

Мундарижа.

Мундарижада ҳисоб-китоб-тушунтириш хати барча бўлимларининг номи, ушбу элементлар бошланадиган сахифалар кўрсатилади.

Ҳисоб-китоб-тушунтириш хати иккита ва ундан кўп дафтардан иборат бўлган тақдирда уларнинг ҳар бирида ўз мундарижаси бўлиши керак. Биринчи дафтарнинг мундарижасида бутун ҳужжатларнинг мазмuni келтирилган бўлиши керак, унда сахифалар ва дафтарларнинг тартиб рақамлари, кейинги дафтарларда — фақат тегишли дафтарнинг мазмуни кўрсатилади.

1-бўлим «Ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар»да қўйидагилар бўлиши керак:

- а) декларацияланаётган объектнинг таркибий рўйхати;
- б) декларацияланаётган объектнинг топографияси ва жойлашган жойи тўғрисидаги маълумотлар (декларацияланаётган объект жойлашган районнинг топографияси тўғрисидаги маълумотлар, декларацияланаётган объектнинг тақиқланган, қўриқлананаётган ва санитария-химоя зоналарининг мавжудлиги ва чегаралари, декларацияланаётган объект жойлашган райондаги табиий-иклим шароитлари, лойиҳада қурилиш майдонининг сейсмик райони қисмидаги қидиувлар бўйича ҳисботлардан фойдаланилиши, грунтлар, табиий-иклим ва бошқа ташки таъсирлар тавсифлари тўғрисидаги маълумотлар) (loyihalash ҳужжатлари таркибида ишлаб чиқилаётган декларация учун расмийлаштирилади);
- в) ходимлар ва яқин атрофда яшайдиган аҳоли тўғрисидаги маълумотлар (декларацияланаётган объектнинг унинг маъмурий бирликлари ва таркиблари бўйича ходимларнинг жойлашиши тўғрисидаги маълумотлар, уларда ходимларнинг ўртacha сони ва энг кўп ишлайдиган сменалар сони кўрсатилади; энг юқори даражадаги гипотетик авариянинг шикастловчи омиллари таъсиридаги зоналарда бўлиши мумкин бўлган яқин атрофдаги ташкилотларнинг жойлашиши тўғрисидаги маълумотлар, уларда декларацияланаётган объектдан узоқдалик ва ходимларнинг сони кўрсатилади; энг юқори даражадаги гипотетик авариянинг шикастловчи омиллари таъсиридаги зоналарда бўлиши мумкин бўлган аҳоли пунктларининг жойлашиши тўғрисидаги маълумотлар, уларда декларацияланаётган объектдан узоқдалик ва ходимларнинг сони кўрсатилади. Декларацияланаётган объектнинг таркибий рўйхати хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификация қилиш соҳасида амалдаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши керак).

«Хавфсизлик таҳлили» номли 2-бўлимда қўйидагилар бўлиши керак:

- а) хавфли моддаларнинг тавсифи (моддалар, формула, таркибининг номи, умумий маълумотлар (молекуляр оғирлик, қайнаш ҳарорати, зичлик) портлаш хавфи тўғрисидаги маълумотлар, токсик хавфлилик тўғрисидаги маълумотлар, реакция бериш қобилияти тўғрисидаги маълумотлар, модданинг ҳиди тўғрисидаги маълумотлар, коррозия фаоллиги тўғрисидаги маълумотлар, эҳтиёт чоралари тавсифи, одамларга кўрсатадиган таъсири тўғрисидаги маълумотлар, химоя қилиш воситалари тўғрисидаги маълумотлар, моддани заарарсиз ҳолатга ўтказиш усуслари тўғрисидаги маълумотлар, модда таъсир кўрсатган тақдирда шикастланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш чоралари тўғрисидаги маълумотлар);

- б) технологиялар ва аппаратни расмийлаштириш түғрисидаги маълумотлар (уларда принципиал технологик схема, асосий технологик асбоб-ускуналар ва декларацияланаётган объектнинг таркиби бўйича технологик жараённинг қисқача тавсифи, хавфли моддалар декларацияланаётган объектнинг таркиби бўйича айланадиган асосий технологик асбоб-ускуналарнинг жойлашиш режаси, хавфли моддалар айланадиган асосий технологик асбоб-ускуналарнинг рўйхати, хавфли моддаларнинг асбоб-ускуналар бўйича тақсимланиши түғрисидаги маълумотлар кўрсатилади);
- в) хавфсизликни таъминлаш бўйича техник ечимларнинг тавсифи (асбоб-ускуналарнинг сийракланишига йўл қўймасликка ва хавфли моддаларнинг авария вақтида ташқарига чиқишининг олдини олишга йўналтирилган ечимларнинг тавсифи, авариялар ривожланишининг олдини олишга ва хавфли моддаларнинг ташқарига чиқишини локализация қилишга йўналтирилган ечимларнинг тавсифи, портлаш, ёнгин хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган ечимларнинг тавсифи, автоматик равишда тартиба солиш, блокировка қилиш, сигнализациялар ва бошқа хавфсизликни таъминлаш воситалари тизимларининг тавсифи);
- г) хавфнинг таҳлили (маълум авариялар таҳлили, аварияларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши шарт-шароитларининг таҳлили, авариялар хавфини баҳолаш).

Маълум авариялар таҳлилида қуидагилар бўлиши керак:

- 1) авариялар ва декларацияланаётган объектда мавжуд бўлган носозликлар рўйхати (фақат фаолият кўрсатаётган обьектлар учун расмийлаштирилади);
- 2) бошқа шунга ўхшаш обьектларда мавжуд бўлган авариялар ёки айланадиган хавфли моддалар билан боғлик авариялар рўйхати;
- 3) содир бўлган аварияларнинг асосий сабаблари таҳлили.

Аварияларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши шарт-шароитларининг таҳлили қуидагилардан иборат бўлади:

- 1) аварияларнинг келиб чиқиши ва ривожланишига кўмаклашувчи бўлиши мумкин бўлган сабаблар ва омилларни аниқлаш;
- 2) содир бўлиши мумкин бўлган аварияларнинг намунавий сценарийларини аниқлаш;
- 3) ҳисоб-китоб қилишнинг қўлланадиган физик-математик моделлари ва усулларини асослаш;
- 4) аварияда қатнашувчи хавфли моддалар миқдорини баҳолаш;
- 5) шикастловчи омиллар таъсирида бўлиши мумкин бўлган зоналар ҳисоб-китоби;
- 6) жабрланганларнинг бўлиши мумкин бўлган сонини баҳолаш;
- 7) бўлиши мумкин бўлган зарарни баҳолаш.

Авариялар хавфини баҳолаш ходимга, аҳолига етказилган зарарнинг муқаррарлигини ҳамда мол-мулкка ва атроф табиий муҳитга етказилган зиённи баҳолашдан иборат бўлади.

З-бўлим «Хулосалар ва таклифлар» қуидагилардан иборат бўлиши керак:

- а) декларацияланаётган объектнинг энг хавфли таркиблари рўйхати;
- б) хавф кўрсаткичларига таъсир қилувчи энг аҳамиятли омиллар рўйхати;
- в) хавфли ишлаб чиқариш обьектининг хавфсизлик даражасини баҳолаш;
- г) авариялар хавфини камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирларни жорий этиш бўйича таклифлар.

4-бўлим «Вазият режалари»да декларацияланаётган объектнинг таркиби бўйича авариянинг мумкин бўлган ва энг юқори даражадаги муқаррар (намунавий) сценарийси зоналарининг график тасвири, шунингдек жойлашиш зоналарини ҳисоб-китоб қилиш учун бошланғич маълумотлар кўрсатилган ҳолда ушбу сценарийларнинг қисқача тавсифи бўлиши керак.

Вазият режаларида масштаб ҳисобида қуидагилар кўрсатилиши керак:

- а) декларацияланаётган объектнинг саноат майдони (худуди);
- б) ташкилотлар, аҳоли пунктлари, одамлар қўп тўпланадиган жойлар;
- в) аварияларнинг шикастловчи омиллари таъсир кўрсатадиган зоналар.

«Фойдаланилган манбалар рўйхати»да қуидагилар бўлиши керак:

- а) декларацияланаётган объектдаги саноат хавфсизлиги талабларини тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва норматив техник ҳужжатлар рўйхати;
- б) ҳисоб-китоб-тушунтириш хатини ишлаб чиқища фойдаланиладиган ташкилот ҳужжатлари рўйхати;
- в) адабиётлар манбалари рўйхати.

«Ахборот вараги» номли илова фуқаролар ва жамоат ташкилотлари сўровлари бўйича хавфли ишлаб чиқариш обьекти тўғрисидаги ахборотларни белгиланган тартибда бериш учун хизмат қиласи.

«Ахборот вараги»да қуидагилар бўлиши керак:

- а) таркибига декларацияланаётган обьект кирадиган ташкилотнинг номи;
- б) хабардор қилиш ва жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлик қилиш учун масъул шахс тўғрисидаги маълумотлар (лавозими, фамилияси, исми ва отасининг исми, телефони;
- в) декларацияланаётган обьектдан фойдаланиш билан боғлиқ ишлаб чиқариш фаолиятининг қисқача тавсифи;
- г) декларацияланаётган обьектда айланадиган хавфли моддаларнинг рўйхати ва асосий тавсифлари;
- д) содир бўлиши мумкин бўлган авариялар кўламлари ва оқибатлари ҳамда хавфсизлик чоралари тўғрисидаги қисқача маълумотлар;
- е) авариялар содир бўлган тақдирда аҳолини хабардор қилиш усуллари ва уларнинг зарур ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар.

6-7 – маъруза Техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри

1.Умумий қоидалар

2. ТХЮЗДКни юритишни ташкил этиш

3. ТХЮЗДКни юритиш тартиби

1. Техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри (ТХЮЗДК) «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Давлат кадастрлари ягона тизими (ДКЯТ)ни яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга, бошқа норматив-хуқуқий хужжатларга мувофиқ юритилади.

2. ТХЮЗДК ДКЯТнинг таркибий қисми ҳисобланади ва тизимли кузатишлар, ўлчашлар, тадқиқотлар ҳамда ахборотлар тўплаш натижалари бўйича тайёрланадиган техноген хавф юқори бўлган зоналар (ТХЮЗ)нинг унификация қилинган қисқача тавсифлари ва тасвирлари тўпламидан иборат бўлади.

3. ТХЮЗДК кадастр объектларини ҳисобга олишни, уларнинг ҳолатини ва рўй берган хавфли техноген ҳодисалар оқибатларини баҳолаш мақсадида юритилади.

4. ТХЮЗДКни юритиш ТХЮЗни хатловдан ўтказиш, унинг тавсифлари ва параметрларини баҳолаш, кадастр ахборотларини хужжатлаштириш, ҳисобга олиш ҳамда ундан техноген авариялар ва ҳалокатларни олдини олиш бўйича профилактика ва огоҳлантириш чораларини ўз вақтида ва самарали амалга ошириш, улар вужудга келган тақдирда эса — уларни тезкорлик билан маҳаллийлаштириш ва бартараф этишини таъминлаш орқали таъминланади.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ белгиланган хавфли ишлаб чиқариш объектларида рўй бериши мумкин бўлган техноген ҳодисалар (ёнғинлар, портлашлар, хавфли заарли моддаларни ташқарига чиқариш, бинолар, иншоотлар, техник қурилмалар ва шу кабилар) зоналари ҳамда:

а) радиоактив моддалар ва материаллар ишлаб чиқариладиган, улардан фойдаланиладиган, улар қайта ишланадиган, ҳосил бўладиган, сақланадиган, ташиладиган, йўқ қилиб ташланадиган объектлар;

б) барча турдаги саноат электр қурилмалари қўлланадиган объектлар;

в) гидротехника иншоотларидан, шу жумладан йирик корхоналар чиқиндиҳоналари ва тиндиргичларидан фойдаланиладиган объектлар;

г) ионли нурланишлар манбаларидан фойдаланиладиган объектлар;

д) фавқулодда вазиятларга (сув, газ, иссиқлик ва электр энергияси таъминотининг тўхтаб қолишига, уй-жой массивларини сув босишига, канализация ва сувни тозалаш тизимларининг ишдан чиқишига) олиб келувчи бузилишлар (зарарланишлар) содир бўлиши мумкин бўлган объектлар ТХЮЗДК объектлари ҳисобланади.

6. ТХЮЗДКни юритиш куйидаги бўлинмалар томонидан:

5-банда кўрсатилган объектлардан фойдаланадиган ташкилотлар томонидан,

ишлаб чиқариш объектларида, портлаш-ёнғин чиқиши ва радиация хавфи мавжуд бўлган объектларда авария ҳоллари содир бўлиши мумкин бўлган юқори хавфли зоналар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-

маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг, унинг тармоқ ва минтақавий инспекцияларининг Техноген хавф юқори бўлган зоналарнинг бош кадастр маркази (кейинги ўринларда ТХЮЗ БКМ деб аталади) томонидан;

одамларни эвакуация қилишни ёки қўчиришни талаб қиласиган хавф юқори бўлган зоналар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Техноген хавф юқори бўлган зоналарнинг кадастр маркази томонидан;

портлаш ва ёнғин чиқиши хавфи юқори бўлган зоналар (объектлар) бўйича — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг ТХЮЗ КМ томонидан;

кучли таъсир қилувчи заҳарли химикатлар, пестцидлар, радиоизотоп буюмлар, радиоактив ва бошқа моддаларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш объектлари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария-эпидемиология назорати республика маркази ва унинг ҳудудий марказлари ТХЮЗ КМ томонидан;

ядро физикаси корхоналарида радиация хавфи юқори бўлган зоналар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг ТХЮЗ КМ томонидан амалга оширилади.

7. ТХЮЗ БКМ ТХЮЗДКни юритишни мувофиқлаштиради.

8. Қуйидагилар ТХЮЗДКни юритишнинг асосий принциплари ҳисобланади:

ТХЮЗ билан республиканинг бутун ҳудудини қамраб олишнинг тўлиқлиги;

кадастр ахборотларининг ишончлилиги, қўргазмалилиги ва ҳужжатлилиги;

барча объектлар бўйича кадастр ахборотларини шакллантириш ва уларни ҳар йили янгилаб бориш методологиясининг ягоналиги;

макон координаталари ягона тизимини ва ягона топография асосларини қўлланиш;

кадастр ахборотларининг очиқлиги.

9. Қуйидагилар ТХЮЗДКнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ТХЮЗ тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, таҳлил қилиш, ишлаш, ҳисобга олиш, тизимлаштириш, сақлаш, янгилаб бориш;

ТХЮЗ паспортларини тузиш ва юритиш;

кадастр дафтарини юритиш, ТХЮЗ кадастр режаларини ва ҳариталарини тузиш;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни зарур кадастр ахборотлари билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таъминлаш.

10. ТХЮЗДКни юритиш бўйича ишлар давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

2. ТХЮЗДКни юритишни ташкил этиш

11. ТХЮЗДК тегишли ваколатли органларнинг раҳбарлари томонидан тасдиқланадиган дастурлар ва жадваллар асосида юритилади, уларда кузатишлар, ТХЮЗнинг бошланғич ва жорий кадастр ахборотларини тўплаш, ишлаш, тадқиқотлар тартиби белгиланади.

12. **5-бандда** кўрсатилган объектлардан фойдаланувчи ташкилотлар: объектларни идентификация қиласиди;

бошланғич ва жорий кадастр ахборотларини ҳамда ТХЮЗнинг миқдор ва сифат бўйича ҳолатидаги, иқтисодий баҳолашдаги, уларнинг атроф муҳитга таъсир кўрсатишидаги ўзгаришларни тўплаш ва тизимлаштиришни амалга оширади.

ТХЮЗ кадастр дафтарларини юритади, маълумотлар базасини тўлдиради ва уларни тизимлаштириш ҳамда ТХЮЗДК ААТга киритиш учун ТХЮЗДК БКМга беради;

ТХЮЗ кадастр паспортларини ишлаб чиқади;

ўзгаришларни кадастр паспортларига ўз вақтида киритишни таъминлайди;

янги ТХЮЗлар ҳисобини юритади, улар тўғрисидаги баҳолаш ахборотларини тўплайди;

кадастр ахборотларининг ишончлилиги ва уларнинг ТХЮЗДК ААТга киритиш учун ўз вақтида тақдим этилиши учун жавоб беради.

13. Ҳар қайси ТХЮЗ учун «Саноатгеоконтекназорат» давлат инспекцияси билан келишган ҳолда белгиланган намунаидаги кадастр паспорти расмийлаштирилади ва тасдиқланади.

14. Қўйидагилар объектнинг кадастр паспортини тузиш учун бошланғич маълумотлар ҳисобланади:

ўз кузатишлари, ўлчашлари ва тадқиқотлари натижалари бўйича олинадиган маълумотлар;

санитария-техника паспортлари, саноат хавфсизлиги декларацияси, ишлаб чиқариш-техника, конструкторлик, технологик, фойдаланиш ҳужжатлари;

ТХЮЗ тўғрисида корхоналар, ташкилотлар ва бошқа расмий манбалардан олинадиган ахборотлар.

15. Кадастр паспортларини ишлаб чиқсан ваколатли органлар 5 кун муддатда уларнинг нусхаларидан бир нусхадан:

ТХЮЗ БКМга;

ТХЮЗ БКМнинг тегишли минтақавий бўлинмасига;

ТХЮЗ КМга;

ТХЮЗ КМнинг тегишли минтақавий бўлинмасига тақдим этади.

16. ТХЮЗ БКМ ва ТХЮЗДК КМ ваколати бўйича кадастр паспортларини текширади ҳамда тегишли рўйхатдан ўтказиш ахборотларини ва бошқа асосий ахборотларни кадастр дафтарига ёзиб қўяди.

17. ТХЮЗ БКМ ҳар йили ДКЯТга киритиш учун ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 марта гача «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасига зарур кадастр ахборотларини тақдим этади. Кадастр маълумотларини тақдим этиш шакли ва уларнинг ҳажми «Саноатгеоконтекназорат» давлат инспекцияси томонидан тасдиқланади ва «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси билан келишилади.

3. ТХЮЗДКни юритиш тартиби

18. ТХЮЗДК техноген хавф юқори (ТХЮ) бўлган ҳодисаларнинг рўй бериши мумкин бўлган ҳар қайси зонаси ёки маркази бўйича маълумотларга эга бўлади.

19. ТХЮЗДКни юритиш схемага мувофиқ амалга оширилади.

20. Қўйидагилар ТХЮЗДКнинг таркибий қисмлари ҳисобланади:

объектларни идентификация қилиш ва ТХЮ ҳодисалар рўй бериши мумкин бўлган зоналарни рўйхатдан ўтказиш;

ТХЮЗнинг миқдор ва сифат тавсияларини ҳисобга олиш;

ТХЮЗни иқтисодий, экологик ва ижтимоий баҳолаш.

21. ТХЮЗнинг кадастр ахборотлари қўйидагилардан иборат бўлади:

ТХЮЗнинг рўй бериши мумкин бўлган тури кўрсатилган ҳолда кадастр объектининг номи;

ТХЮЗнинг жойлашган ўрни;

ТХЮ ҳодисаларни вужудга келтирадиган объектнинг идоравий мансублиги ва уни фойдаланишга киритиш санаси;

объектнинг фойдаланиш мақсади (агар хавф антропоген омиллар таъсирида вужудга келса ва табиий ҳодиса бўлмаса);

объектни ҳисобга олиш санаси;

объектнинг кадастр номери;

ТХЮЗда жойлашган объектларнинг рўйхати;

ТХЮЗнинг ҳисобга олинган вақтдаги ҳолати;

картография материаллари — ТХЮ ҳодисанинг рўй бериши мумкин бўлган зоналар тасвирига эга бўлган, ТХЮ ҳодиса таъсирига учраган майдонлар (зоналар) ҳажмлари кўрсатилган ҳолдаги тегишли масштаби топография хариталари.

22. ТХЮЗнинг ҳисобга олинадиган ахборотлари қўйидагилардан иборат бўлади:

объектнинг хавфлилик белгилари рўйхати;

объектнинг технологик асбоб-ускунаси тавсифи;

объектлардаги хавфли моддалардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар;

зарар етказадиган ва бузувчи омиллар тавсифлари: таъсирларнинг кучи, тезлиги, ҳажми, туркумлиги, частотаси, асосий йўналиши ва рўй бериш тезлиги;

инсон саломатлигига ва атроф табиий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар рўйхати:

санитария-муҳофаза ва қўриқлаш зоналари тўғрисидаги маълумотлар;

инсон фаолияти турларини чеклаш зарур бўлган участкалар чегаралари ёки масофалар тўғрисидаги маълумотлар;

одамларни эвакуация қилишни ёки кўчиришни талаб қиласидиган зоналар тавсифи;

ТХЮЗ ҳудудларидан фойдаланишнинг белгиланган режими, ТХЮЗда ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг, одамлар яшаши ва бўлишининг асосий шартшароитлари;

ТХЮ ҳодисалар таъсирига учраган объектлар ва иншоотлар, ушбу объектларнинг бузилиши ва шикастланиши даражаси тўғрисидаги маълумотлар.

23. ТХЮЗни баҳолаш ахборотлари қўйидагилардан иборат бўлади:

ТХЮЗни ўрганиш бўйича аэросуратга олишлар, гидрометеорология, муҳандислик, геология, сейсмик, технологик, экологик тадқиқотлар ва бошқа ишлар натижалари тўғрисидаги синовдан ўтказилган ҳисботлар;

авариялар хавфини ва рўй бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни баҳолаш бўйича хulosалар;

санитария-гигиена шароитлари тўғрисидаги, сув, ҳаво, ер, ифлослантирувчи (зарарли) моддалар концентрациялари ҳолати тўғрисидаги маълумотлар;

фаолияти ТХЮ ҳодисалар билан боғлиқ бўлган корхоналар томонидан ТХЮЗни идоравий текширишлар натижалари бўйича хulosалар;

ТХЮЗни ўрганишган (текширишган) расмий комиссиялар ва мутахассисларнинг эксперт хulosалари;

ТХЮЗдаги ва унинг яқинидаги ер, сувдан фойдаланиш, у ерда турли мақсаддаги объектларни жойлаштириш имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар;

ТХЮ ҳодисалар етказган зарар тўғрисидаги маълумотлар.

24. Ҳисобга олиш ва баҳолаш маълумотлари ТХЮЗ тўғрисидаги кадастр ахборотлари йиғиндисидан иборат бўлади, у алфавит-рақамли (матнлар, жадваллар) ва чизма (хариталар, схемалар) кўринишида тақдим этилади, қоғоз ва/ёки электрон манбаларда белгиланган намунашни кадастр паспорти шаклида расмийлаштирилади.

25. ТХЮЗДКни юритиш кадастр ахборотлари узлуксиз равищда янгила бориши таъминловчи асосий (бошлангич) ва жорий ҳисобга олиш (рўйхатлар) турларидан иборат бўлади.

26. ТХЮЗни дастлабки рўйхатдан ўтказишида (рўйхатлар тузишида) обьектлар идентификация қилинади, уларнинг микдор ва сифат тавсифлари, ТХЮ ҳодисаларнинг рўй бериши ва таъсиrlари динамикаси қайд этилади. Объектларни идентификация қилиш усуллари, ТХЮЗ тавсифлари таркиби «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси билан келишган ҳолда тегишли ваколатли органлар томонидан тасдиқланадиган тегишли норматив хужжатлар билан белгиланади. Рўйхатдан ўтказиш ахборотлари ва бошқа асосий маълумотлар кадастр дафтарига ёзилади.

27. Жорий ҳисобга олишда бошлангич ҳисобга олишдан кейин рўй берган барча ўзгаришлар ва ТХЮЗнинг рўй берган янги марказлари қайд этилади. Қайд этилган жорий ўзгаришлар кадастр паспортига ва кадастр дафтарига киритилади ҳамда ТХЮЗДК КМ ва ТХЮЗДК БКМга берилади.

28. ТХЮЗ кадастр ахборотларининг ишончлилиги учун ТХЮЗДКни юритиш зиммасига юкланган ТХЮЗ КМ ва ТХЮЗ БКМ, обьектлардан фойдаланувчи ташкилотларнинг мансабдор шахслари жавоб берадилар.

Техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастрини юритиш схемаси



* Стрелкалар билан кадастр ахборотлари ҳаракати йўналиши белгиланган.

1. **5-бандда** кўрсатилган объектлардан фойдаланувчи ташкилотлар ўз объектлари бўйича кадастр ахборотларини тўплайдилар ва уларни тегишли ваколатли идораларга берадилар.

2. Ваколатли идоралар Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология республика маркази, Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти республика бўйича ТХЮЗ кадастр ахборотларини тўплайдилар ва уларни ТХЮЗДКни юритиш бўйича бош идорага — «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясига берадилар.

3. ТХЮЗДКни юритиш бўйича бош идора — «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси ТХЮЗ объектлари бўйича кадастр ахборотларини «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ДКЯТ маълумотлар базасига беради.

4. «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг бош идораси сўров бўйича «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ДКЯТ маълумотлар базасидан ТХЮЗ бўйича ахборотларни олиши мумкин.

5. Ваколатли идоралар — Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология республика маркази, Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти сўров бўйича «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг бош идораси орқали «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ДКЯТ маълумотлар базасидан ТХЮЗ бўйича ахборотларни олиши мумкин.

6. Низомнинг **5-бандида** кўрсатилган хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланувчи ташкилотлар сўров бўйича «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ДКЯТ маълумотлар базасидан ТХЮЗ бўйича ахборотларни олиши мумкин.

7. ДКЯТдан фойдаланувчилар сўров бўйича «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ДКЯТ маълумотлар базасидан ТХЮЗ бўйича кадастр ахборотларини олиши мумкин.

Оралиқ назорат саволлари

- 1.Саноат хавфсизлиги тұғрисидаги қонун хужжатлари
- 2.Хавфли ишлаб чиқариш объектарини идентификациялаш тартиби тұғрисида низом
3. Ҳисоб-китоб-түшунтириш хатининг 2-бўлим «Хавфсизлик таҳлили» таркиби
4. Хавфли ишлаб чиқариш объектлари
5. Хавфли ишлаб чиқариш объектарини идентификациялашда фойдаланиладиган терминлар ва таърифлар:
6. «Ҳисоб-китоб-түшунтириш хати» таркиби
7. Хавфли ишлаб чиқариш обьектини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишга қабул қилиб олишга оид саноат хавфсизлиги талаблар
8. Ҳисоб-китоб-түшунтириш хатининг умумий қоидалари
- 9.Хавфли ишлаб чиқариш объектарини идентификациялаш варақаси
10. Хавфли ишлаб чиқариш обьектидан фойдаланишга оид саноат хавфсизлиги талаблари
11. Техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастрини юритиш тартиби
12. Ҳисоб-китоб-түшунтириш хатининг 3-бўлим «Хулосалар ва таклифлар» таркиби
13. Идентификациялашнинг асосий принциплари
14. Техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастрини юритишни ташкил этиш
15. Ҳисоб-китоб-түшунтириш хатининг 4-бўлим «Вазиятлар режалари» таркиби
- 16.Хавфли ишлаб чиқариш объектарини идентификациялаш тартиби
- 17.Ҳисоб-китоб-түшунтириш хати 1-бўлим «Ташкилот тұғрисидаги маълумотлар» таркиби
18. Объектларни хавфли ишлаб чиқариш объектлари категорияси ва типларига киритишнинг асосий мезонлари
19. Ҳисоб-китоб-түшунтириш хатининг «Фойдаланилган манбалар рўйхати» таркиби
20. Хавфли моддалар сонининг чекланган меъёрлари
- 21.Саноат хавфсизлиги тұғрисидаги қонун хужжатлари

Якуний баҳолаш тест саволлари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни мақсади нимадан иборат?
 - А) хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат
 - Б) хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги текширишдан иборат
 - С) хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги соҳасини ишлаб чиқишдан иборат
 - Д) хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлигини талқин этишдан иборат
 - Е) хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлигини шарҳлашдан иборат
2. Хавфли ишлаб чиқариш объектлари тирик организмга таъсир қилиш даражасига кўра даражалари нечта турга бўлинади?
 - А) 6 та
 - Б) 3 та
 - С) 5 та
 - Д) 2та
 - Е) 8 та
3. Хавфли ишлаб чиқариш объектлари тирик организмга таъсир қилиш даражасига кўра I даражаси қандай номланади?
 - А) ўртача даражада хавфли
 - Б) юқори даражада хавфли
 - С) ўта хавфли
 - Д) юқори даражада хавфсиз
 - Е) ўта хавфсиз
- 4.Хавфли ишлаб чиқариш объектлари тирик организмга таъсир қилиш даражасига кўра II даражаси қандай номланади?
 - А) ўртача даражада хавфли
 - Б) юқори даражада хавфли
 - С) ўта хавфли
 - Д) юқори даражада хавфсиз
 - Е) ўта хавфсиз
- 5.Хавфли ишлаб чиқариш объектлари тирик организмга таъсир қилиш даражасига кўра III хавфлилик даражаси қандай номланади?
 - А) ўртача даражада хавфли
 - Б) юқори даражада хавфли
 - С) ўта хавфли
 - Д) юқори даражада хавфсиз
 - Е) ўта хавфсиз
6. Хавфли ишлаб чиқариш обьектини куришда лойиҳа хужжатларидан четга чиқишга йўл кўйиладими?

- А) қисман рухсат этилади
- Б) рухсат этилади
- С) рухсат этилмайды
- Д) баъзан рухсат этилади
- Е) заруратга қараб

7. Хавфли ишлаб чиқариш объектини кенгайтиришда лойиҳа хужжатларидан четга чиқишга йўл қўйиладими?

- А) рухсат этилмайды
- Б) рухсат этилади
- С) қисман рухсат этилади
- Д) баъзан рухсат этилади
- Е) заруратга қараб

8. Хавфли ишлаб чиқариш объектини қайта қуришда лойиҳа хужжатларидан четга чиқишга йўл қўйиладими?

- А) қисман рухсат этилади
- Б) рухсат этилмайды
- С) рухсат этилади
- Д) баъзан рухсат этилади
- Е) заруратга қараб

9.Хавфли ишлаб чиқариш объектини техник жиҳатдан қайта жиҳозлашда лойиҳа хужжатларидан четга чиқишга йўл қўйиладими?

- А) қисман рухсат этилади
- Б) рухсат этилади
- С) баъзан рухсат этилади
- Д) рухсат этилмайды
- Е) заруратга қараб

10.Хавфли ишлаб чиқариш объектини консервациялашда лойиҳа хужжатларидан четга чиқишга йўл қўйиладими?

- А) қисман рухсат этилади
- Б) рухсат этилади
- С) заруратга қараб
- Д) баъзан рухсат этилади
- Е) рухсат этилмайды

11. Хавфли ишлаб чиқариш объектини қуришга доир лойиҳа хужжатларини ўзгартириш саноат хавфсизлиги экспертизасидан ўтказиладими?

- А) ўтказилмайды
- Б) ўтказилади
- С) мутахассисга боғлиқ
- Д) қисман ўтказилади
- Е) баъзан ўтказилади

12. Хавфли ишлаб чиқариш объектини кенгайтиришга доир лойиҳа хужжатларини ўзгартириш саноат хавфсизлиги экспертизасидан ўтказиладими?

- А) ўтказилади
- Б) ўтказилмайды
- С) баъзан ўтказилади

- Д) қисман ўтказилади
- Е) мутахассисга боғлиқ

13. Хавфли ишлаб чиқариш объектини қайта қуришга доир лойиха хужжатларини ўзгариши саноат хавфсизлиги экспертизасидан ўтказиладими?

- А) мутахассисга боғлиқ
- Б) ўтказилади
- С) ўтказилмайди
- Д) қисман ўтказилади
- Е) баъзан ўтказилади

14. Хавфли ишлаб чиқариш объектини техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга доир лойиха хужжатларини ўзгариши саноат хавфсизлиги экспертизасидан ўтказиладими?

- А) қисман ўтказилади
- Б) ўтказилади
- С) мутахассисга боғлиқ
- Д) ўтказилмайди
- Е) баъзан ўтказилади

15. Хавфли ишлаб чиқариш объектини консервациялашга доир лойиха хужжатларини ўзгариши саноат хавфсизлиги экспертизасидан ўтказиладими?

- А) ўтказилади
- Б) баъзан ўтказилади
- С) мутахассисга боғлиқ
- Д) қисман ўтказилади
- Е) ўтказилмайди

16.Хавфли ишлаб чиқариш объектини тугатишга доир лойиха хужжатларини ўзгариши саноат хавфсизлиги экспертизасидан ўтказиладими?

- А) ўтказилади
- Б) ўтказилмайди
- С) мутахассисга боғлиқ
- Д) қисман ўтказилади
- Е) баъзан ўтказилади

17. Лойиха хужжатларини ишлаб чиқкан ташкилотлар хавфли ишлаб чиқариш объектини қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, консервациялаш ва тугатиш жараёнида белгиланган тартибда муаллифлик назоратини амалга оширадими?

- А) йўқ
- Б) ҳа
- С) мутахассисга боғлиқ
- Д) қисман
- Е) баъзан

18.Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш тартиби тўғрисида Низом «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ хавфли ишлаб чиқариш объектларини нималарини белгилайди?

- А) умумий қоидалар
- Б) типларини, турларини
- С) даражаларини, техник ҳолатини
- Д) идентификациялаш тартиби, принциплари ва шартларини

Е) хавфлилик ҳолатини

19. Хавфлилик даражаси бўйича хавфли ишлаб чиқариш объектлари нечта типга бўлинади?

- А) 7 та
- Б) 3 та
- С) 2 та
- Д) 5 та
- Е) 4 та

20. Агар хавфли ишлаб чиқариш объектлари ўртасидаги масофа 500 метрдан камни ташкил этса, хавфли модданинг қанча миқдори ҳисобга олинади?

- А) 100%
- Б) 50%
- С) 75%
- Д) 60%
- Е) 40%

21. Идентификациялашнинг асосий принциплари нечта турга бўлинади?

- А) 5 та
- Б) 4 та
- С) 7 та
- Д) 2 та
- Е) 3 та

22. Идентификациялашнинг асосий принциплари номларини аниқланг?

- А) зоналаштириш принципи; ишончлилик принципи;
- Б) мустақиллик принципи; зоналаштириш принципи; ишончлилик принципи;
- С) мустақиллик принципи; камроқ хавфли типнинг хавфлироқ тип билан ютилиши принципи.
- Д) зоналаштириш принципи; ишончлилиги принципи; мустақиллик принципи; камроқ хавфли типнинг хавфлироқ тип билан ютилиши принципи.

Е) ишончлилиги принципи; мустақиллик принципи; камроқ хавфли типнинг хавфлироқ тип билан ютилиши принципи.

23. Агар корхона бир-биридан 500 метрдан ортиқ масофада жойлашган бир нечта ишлаб чиқариш майдончаларида жойлашган тақдирда, майдончаларнинг ҳар бири алоҳида хавфли ишлаб чиқариш обьекти сифатида қараладими?

- А) йўқ
- Б) баъзан
- С) мутахассисга боғлиқ
- Д) қисман
- Е) ха

24. Саноат хавфсизлиги экспертизасини ўтказиш тартиби ва экспертиза хуносасини расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар ким томонидан белгиланади.

- А) Табиатнимуҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан
- Б) Вазирлар Махкамаси томонидан
- С) Мехнат вазирлиги томонидан
- Д) «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан
- Е) Адлия вазирлиги томонидан

25. Идентификациялашни ўтказиш муддатлари, қоидага кўра, экспертиза

объектининг мураккаблиги билан белгиланади, бироқ экспертиза бошланган пайтдан бошлаб 3 ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

- A) 5 ойдан
- Б) 4 ойдан
- C) 7 ойдан
- Д) 2 ойдан
- E) 3 ойдан

26. Саноат хавфсизлиги экспертизасининг қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда тайёрланган хulosаси белгиланган тартибда ким томонидан ҳақиқий эмас деб эътироф этилади?

- A) «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан
- Б) Вазирлар Маҳкамаси томонидан
- C) Мехнат вазирлиги томонидан
- Д) Табиатнимуҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан
- E) Адлия вазирлиги томонидан

27. «Ҳисоб-китоб-тушунтириш хати»нинг 1- бўлимида қандай маълумотлар келтирилади?

- A «Ташкилот тўғрисидаги маълумотлар»;
- Б) «Хавфсизлик таҳлили»;
- C) «Хулосалар ва таклифлар»;
- Д) «Вазиятлар режалари»;
- E) «Фойдаланилган манбалар рўйхати».

28. «Ҳисоб-китоб-тушунтириш хати»нинг 2- бўлимида қандай маълумотлар келтирилади?

- A «Ташкилот тўғрисидаги маълумотлар»;
- Б) «Хавфсизлик таҳлили»;
- C) «Хулосалар ва таклифлар»;
- Д) «Вазиятлар режалари»;
- E) «Фойдаланилган манбалар рўйхати».

29. «Ҳисоб-китоб-тушунтириш хати»нинг 3- бўлимида қандай маълумотлар келтирилади?

- A «Ташкилот тўғрисидаги маълумотлар»;
- Б) «Хавфсизлик таҳлили»;
- C) «Хулосалар ва таклифлар»;
- Д) «Вазиятлар режалари»;
- E) «Фойдаланилган манбалар рўйхати».

30. «Ҳисоб-китоб-тушунтириш хати»ниг 4- бўлимида қандай маълумотлар келтирилади?

- A) «Ташкилот тўғрисидаги маълумотлар»;
- Б) «Хавфсизлик таҳлили»;
- C) «Хулосалар ва таклифлар»;
- Д) «Вазиятлар режалари»;
- E) «Фойдаланилган манбалар рўйхати».

31. Техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри (ТҲЮЗДК) қайси норматив-хукуқий ҳужжатларга мувофиқ юритилади?

- A) Вазирлар маҳкамаси Фармойишига
- Б) Мехнат вазирлиги кўрсатмасига
- С) «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига
- Д) Табиатнимуҳофаза қилиш давлат қўмитаси қарорига
- E) Адлия вазирлиги кўрсатмасига
- E) Молия вазирлигининг молиялаштиришига

32. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш варақасини нечта қисмдан иборат?

- А) 5 та
- Б) 4 та
- С) 7 та
- Д) 2 та
- Е) 3 та

33. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш варақасини 1-қисмида қанақа мълумотлар келтирилади?

- А) Объектнинг хавфлилиги белгилари
- Б) Хавфли ишлаб чиқариш объекти
- С) Объект типи
- Д) Фойдаланадиган ташкилот (таъсис хужжатларига мувофиқ)
- Е) Объектнинг хавфлилиги шароитлари

34. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш варақасини 2-қисмида қанақа мълумотлар келтирилади?

- А) Объектнинг хавфлилиги белгилари
- Б) Хавфли ишлаб чиқариш объекти
- С) Объект типи
- Д) Фойдаланадиган ташкилот (таъсис хужжатларига мувофиқ)
- Е) Объектнинг хавфлилиги шароитлари

35. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш варақасини 3-қисмида қанақа мълумотлар келтирилади?

- А) Хавфли ишлаб чиқариш объекти
- Б) Объектнинг хавфлилиги белгилари
- С) Объектнинг хавфлилиги шароитлари
- Д) Фойдаланадиган ташкилот (таъсис хужжатларига мувофиқ)
- Е) Объект типи

36. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш варақасини 4-қисмида қанақа мълумотлар келтирилади?

- А) Хавфли ишлаб чиқариш объекти
- Б) Объектнинг хавфлилиги белгилари
- С) Фойдаланадиган ташкилот (таъсис хужжатларига мувофиқ)
- Д) Объект типи
- Е) Объектнинг хавфлилиги шароитлари

37. Умумий ҳолда ишлаб чиқариш объектлари тирик организмга таъсир қилиш даражасига кўра даражалари нечта тоифага бўлинади?

- А) 6 та
- Б) 3 та
- С) 5 та
- Д) 2та
- Е) 8 та

38. «Ҳисоб-китоб-тушунтириш хати»нинг «Ахборот варағи» номли илова нима учун хизмат қиласиди?

- А) «Ҳисоб-китоб-тушунтириш хати»нинг «Ахборот варағи» номли илова фуқаролар ва жамоат ташкилотлари сўровлари бўйича хавфли ишлаб чиқариш объекти тўғрисидаги ахборотларни белгиланган тартибда бериш учун хизмат қиласиди.

- Б) «Ҳисоб-китоб-түшунтириш хати»нинг «Ахборот вараги» номли илова фуқаролар ва жамоат ташкилотлари сўровлари бўйича хавфли ишлаб чиқариш обьекти тўғрисидаги ахборотларни белгиланган тартибда йиғиш учун хизмат қиласди.
- С) «Ҳисоб-китоб-түшунтириш хати»нинг «Ахборот вараги» номли илова фуқаролар ва жамоат ташкилотлари сўровлари бўйича хавфли ишлаб чиқариш обьекти тўғрисидаги ахборотларни белгиланган тартибда сақлаш учун хизмат қиласди.
- Д) «Ҳисоб-китоб-түшунтириш хати»нинг «Ахборот вараги» номли илова фуқаролар ва жамоат ташкилотлари сўровлари бўйича хавфли ишлаб чиқариш обьекти тўғрисидаги ахборотларни белгиланган тартибда алмаштириш учун хизмат қиласди.
- Е) «Ҳисоб-китоб-түшунтириш хати»нинг «Ахборот вараги» номли илова фуқаролар ва жамоат ташкилотлари сўровлари бўйича хавфли ишлаб чиқариш обьекти тўғрисидаги ахборотларни белгиланган тартибда таҳлил учун хизмат қиласди.

39. Идентификациялаш нима учун асос ҳисобланади?

- А) давлат реестридан чиқаришучун асос ҳисобланади
 Б) давлат реестрида ҳисобга олиш учун асос ҳисобланади
 С) давлат реестрида сақлаш олиш учун асос ҳисобланади
 Д) давлат реестрида белгилаш олиш учун асос ҳисобланади
 Е) давлат реестрида таҳлил қилиш учун асос ҳисобланади

40. Хавфли ишлаб чиқариш обьектларини идентификациялаш тўғрилиги учун жавобгарлик қайси ташкилотга юкланди?

- А) Адлия вазирлигига
 Б) Бош прокуратурага
 С) Вазирлар Маҳкамасига
 Д) «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясига
 Е) Идентификациялашни амалга оширадиган ташкилотга юкланди

| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|
| S | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 |
| J | а | б | с | б | а | с | а | б | д | е | а | б | с | д | е | б | б | д | б | а |
| S | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 | 32 | 33 | 34 | 35 | 36 | 37 | 38 | 39 | 40 |
| J | б | д | е | д | е | а | а | б | с | д | с | б | б | а | е | с | с | а | б | е |

4-амалий топшириқ ТХЮЗни баҳолаш ахборотлари таркибини ўрганиш

ТХЮЗнинг ҳисобга олинадиган ахборотлари қуидагилардан иборат бўлади:
объектнинг хавфлилик белгилари рўйхати;
объектнинг технологик асбоб-ускунаси тавсифи;
объектлардаги хавфли моддалардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар;
зарар етказадиган ва бузувчи омиллар тавсифлари: таъсирларнинг кучи,
тезлиги, ҳажми, туркумлиги, частотаси, асосий йўналиши ва рўй бериш тезлиги;
инсон саломатлигига ва атроф табиий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи
омиллар рўйхати:
санитария-муҳофаза ва қўриқлаш зоналари тўғрисидаги маълумотлар;
инсон фаолияти турларини чеклаш зарур бўлган участкалар чегаралари ёки
масофалар тўғрисидаги маълумотлар;
одамларни эвакуация қилишни ёки кўчиришни талаб қиласидаги зоналар
тавсифи;

ТХЮЗ худудларидан фойдаланишнинг белгиланган режими, ТХЮЗда ишлаб
чиқариш-хўжалик фаолиятининг, одамлар яшаси ва бўлишининг асосий шарт-
шароитлари;

ТХЮ ҳодисалар таъсирига учраган объектлар ва иншоотлар, ушбу
объектларнинг бузилиши ва шикастланиши даражаси тўғрисидаги маълумотлар.

23. ТХЮЗни баҳолаш ахборотлари қуидагилардан иборат бўлади:

ТХЮЗни ўрганиш бўйича аэросуратга олишлар, гидрометеорология,
муҳандислик, геология, сейсмик, технологик, экологик тадқиқотлар ва бошқа ишлар
натижалари тўғрисидаги синовдан ўтказилган ҳисботлар;

авариялар хавфини ва рўй бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни
баҳолаш бўйича хulosалар;

санитария-гигиена шароитлари тўғрисидаги, сув, ҳаво, ер, ифлослантирувчи
(зарарли) моддалар концентрациялари ҳолати тўғрисидаги маълумотлар;

фаолияти ТХЮ ҳодисалар билан боғлиқ бўлган корхоналар томонидан
ТХЮЗни идоравий текширишлар натижалари бўйича хulosалар;

ТХЮЗни ўрганишган (текширишган) расмий комиссиялар ва
мутахассисларнинг эксперт хulosалари;

ТХЮЗдаги ва унинг яқинидаги ер, сувдан фойдаланиш, у ерда турли
мақсаддаги объектларни жойлаштириш имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар;

ТХЮ ҳодисалар етказган зарар тўғрисидаги маълумотлар.

24. Ҳисобга олиш ва баҳолаш маълумотлари ТХЮЗ тўғрисидаги кадаст
ахборотлари йиғиндисидан иборат бўлади, у алфавит-рақамли (матнлар, жадваллар)
ва чизма (хариталар, схемалар) кўринишида тақдим этилади, қоғоз ва/ёки электрон
манбаларда белгиланган намунадаги кадастр паспорти шаклида расмийлаштирилади.

25. ТХЮЗДКни юритиш кадастр ахборотлари узлуксиз равишда янгила
боришини таъминловчи асосий (бошланғич) ва жорий ҳисобга олиш (рўйхатлар)
турларидан иборат бўлади.

26. ТХЮЗни дастлабки рўйхатдан ўтказиша (рўйхатлар тузища) объектлар
идентификация қилинади, уларнинг миқдор ва сифат тавсифлари, ТХЮ
ҳодисаларнинг рўй бериши ва таъсирлари динамикаси қайд этилади. Объектларни
идентификация қилиш усуллари, ТХЮЗ тавсифлари таркиби «Ергеодезкадастр»
давлат қўмитаси билан келишган ҳолда тегишли ваколатли органлар томонидан

тасдиқланадиган тегишли норматив хужжатлар билан белгиланади. Рўйхатдан ўтказиш ахборотлари ва бошқа асосий маълумотлар кадастр дафтирига ёзилади.

27. Жорий ҳисобга олишда бошлангич ҳисобга олишдан кейин рўй берган барча ўзгаришлар ва ТХЮЗнинг рўй берган янги марказлари қайд этилади. Қайд этилган жорий ўзгаришлар кадастр паспортига ва кадастр дафтирига киритилади ҳамда ТХЮЗДК КМ ва ТХЮЗДК БКМга берилади.

28. ТХЮЗ кадастр ахборотларининг ишончлилиги учун ТХЮЗДКни юритиш зиммасига юкланган ТХЮЗ КМ ва ТХЮЗ БКМ, объектлардан фойдаланувчи ташкилотларнинг мансабдор шахслари жавоб берадилар.

Техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастрини юритиш схемаси



* Стрелкалар билан кадастр ахборотлари ҳаракати йўналиши белгитанган.